

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПАХРАТДИНОВА РИТА ОТЕУЛИЕВНА**

**5-7-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИККА  
ОИД ИЖОДҚОРЛИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз – 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Пахратдинова Рита Отеулиевна**

5-7-синф ўқувчиларининг миллий хунармандчиликка оид ижодкорлик  
компетенцияларини ривожлантириш механизмлари..... 3

**Пахратдинова Рита Отеулиевна**

Механизмы развития творческих компетенций национального  
ремесленничества учащихся 5-7 классов ..... 25

**Pakhratdinova Rita Oteulievna**

Development mechanisms of 5-7 grades learners creative competencies in  
national crafts ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publications..... 52

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПАХРАТДИНОВА РИТА ОТЕУЛИЕВНА**

**5-7-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИККА  
ОИД ИЖОДҚОРЛИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.Phd/Ped2818 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси ([www.tersu.uz](http://www.tersu.uz)) ҳамда Ziyonet ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шомирзаев Махматмурод Хурамович**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Аскарлов Абдор Давлатмурзаевич**  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

**Исакулова Нилуфар Жаникуловна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Қарши давлат университети**


Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "29" июл куни соат 13<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 190111, Термиз ш., Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел: (376) 221-74-55; факс: (376) 221-71-17; e-mail: [temizdu@umail.uz](mailto:temizdu@umail.uz))


Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 61 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 190111, Термиз ш. Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел: (376) 221-74-55; факс: (376) 221-71-17; e-mail: [temizdu@umail.uz](mailto:temizdu@umail.uz)).


Диссертация автореферати 2022 йил "21" июл куни тарқатилди

(2022 йил "21" июл даги 5- рақамли реестр баённомаси).



  
**И.Т.Чориев,**  
илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

  
**М.Қ.Бозорова,**  
илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

  
**Х.Ж.Худайкулов,**  
илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш қошидаги Илмий семинар  
раиси, п.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ижодкор ёшларни тарбиялаш ва рақамли – креатив технологиялар бир нечта ҳунарни эгаллашга қаратилган таълим жараёнларига татбиқ этилган. Халқаро ташкилотлар томонидан “Таълим-тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларига етказувчи муҳим фаолият” деб эътироф этилиши муносабати билан катта ёшдаги аҳоли компетенциясини баҳолаш халқаро дастури (PIAAC), ўқувчилар билимини баҳолаш (PISA), технология таълимини босқичма-босқич амалиётга жорий этишни баҳолашда (STEM)дан фойдаланиш ҳамда касбий маҳоратни шахс сифатлари билан уйғунлаштириш, турли ўзгаришларга тез мослашиш, инновацион ёндашувни таълим жараёнларига изчил жорий этиш, таълим жараёнларини лойиҳалаштиришнинг истиқболли йўналишларини аниқлаш ва амалиётга татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Дунё ўқув илмий-тадқиқот муассасаларида технологик таълим орқали ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик фаолияти, интеллектуал қобилияти, ахлоқий ва эстетик ҳиссиётларини рақамли таълим кўмагида такомиллаштириш, қизиқиши, хоҳиш ва истагини, оламга ҳиссий муносабатини шакллантириш механизмларининг педагогик имкониятларини ривожлантиришга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бунда ўқувчилардаги ижодкорликни аниқлаш, ихтирочиликка қизиқиш, миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш бўйича тадқиқот ишларига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда таълим тизимини янги сифат босқичига олиб чиқишдаги ислохотлар туфайли технология таълимидан бошлаб ўқувчиларнинг фан асослари бўйича билимни ўзлаштиришга эҳтиёжини, асосий миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатларни, меҳнат кўникмаларини, ижодий фикрлаш ва атроф-муҳитга онгли муносабатни шакллантиришнинг меъёрий асослари яратилмоқда. “Халқ таълими тизимида ўқитиш метод ва такомиллаштириш, таълим-тарбиявий жараёнга индивидуаллаштириш принципларини босқичма-босқич татбиқ этиш, ўқувчиларда ўқишга соғлом, кучли ва таъсирчан мотивацияни шакллантириш<sup>1</sup>” каби устувор йўналишлар белгиланган. Умумтаълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, халқаро баҳолаш дастурлари асосида ўқувчиларда миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш имкониятлари кенгайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 29 апрел ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони. – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06/19/5712/3034-сон, 29.04.2019 й.

ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”ги фармонлари, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4539-сон “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърийд-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда А.Авазбоев, Р.Ҳ.Джураев, М.Қодиров, У.Нишоналиев, А.Парманов, О.Р.Розиқов, Ў.Ҳ.Толипов, Л.Р.Тўрабеков, Н.Шодиев, И.Т.Чориевлар технология фанида ўқувчиларнинг миллий хунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш, миллий ва халқ хунармандчилиги соҳаларини ҳамда уларни турли босқичларга бўлиб ўрганишнинг таълим-тарбиявий жиҳатлари бўйича С.Булатов, С.Ҳасанов, И.Каримов, Қ.Қосимов, О.Худоёрова, А.Турдиалиев, Р.Сарсенбаева, Д.Зоҳидова, О.Жамолиддинова, М.Х.Шомирзаев, Б.Э.Қодиров, Ф.Х.Мукумова, С.С.Игамовларлар “компетенция” ва “компетентлик” тушунчаларининг мазмуни-моҳияти, таълим олувчиларнинг компетенцияларини ривожлантириш масалалари Н.А.Муслимов, Б.Р.Адизов, Ш.С.Шарипов, О.А.Қўйсинаев, Р.Х.Файзуллаев, К.Т.Уматалиева, Н.Ш.Турдимов, Л.Р.Зарипов, Г.О.Нажмиддиноваларнинг илмий-тадқиқот ишларида ёритилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидан В.И.Качнев, А.В.Ефанов В.Д.Жуков, С.Т.Толстов, В.М.Массон, А.Т.Треножкин, С.Р.Русакина, Н.Н.Баранский, Н.С.Мироненко, Г.Е.Муравьева, Н.В.Кузьмина, Н.С.Фалькова, Ю.Г.Липец, А.Г.Низалиевларнинг таълим - тарбиявий жараёнда ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид компетенцияларини ривожлантириш механизмлари, шахснинг ижодкорлик қобилиятлари бўйича олиб борган тадқиқот ишларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Хорижий мамлакатларнинг D.Bell, D.Medous, P.Kuusi, E.Toffler, J.Masudalar каби олимлар технологик таълим мазмунини замонавийлаштириш, технологик компетентликни шакллантириш, уни жамиятдаги ижтимоий ўзгаришларга мослаштириш масалалари, G.Spenser,

B.Blum, R.Mohanлар таълимда ижодкорлик, педагогларнинг касбий салоҳиятини ривожлантириш, компетентлик масалалари, касбий-методик етуклик муаммолари, педагогик дастурий воситалардан фойдаланиш кўникма, малака ва компетенцияларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш назарияларини ёритиб беришган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Қорақалпоқ давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ №ОТ-Ф7-34 “Миллий ҳунармандчиликда инновацион жараёнларни технология фанида ўрганишнинг илмий-педагогик асослари” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** умумий ўрта таълим мактаблари 5-7-синф ўқувчиларининг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

5-7-синф ўқувчиларининг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш жараёнига таъсир кўрсатадиган педагогик, психологик, методик омилларни таҳлил этиш;

ўқувчиларда миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш мазмунининг касбга, фаолиятга йўналтирилган фаолиятли моделини такомиллаштириш;

миллий ҳунармандчилик намуналари воситасида ўқувчиларнинг маънавий-касбий тарбиялаш тизими компонентлари ва ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш;

5-7-синф ўқувчиларининг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш механизмлари мезонларини аниқлаштиришга оид методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 5-7-синф ўқувчиларининг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқиш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Фарғона, Сурхондарё вилоятларида 21 та умумтаълим мактабларидан тажриба синфларида 540 нафар, кузатув синфларида 545 нафар, жами 1085 нафар ўқувчи иштирок этган.

**Тадқиқотнинг предмети** 5-7-синф ўқувчиларининг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш мазмуни, шакллари, методлари ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусига оид фалсафий, психологик, педагогик, методик манбаларни таҳлил қилиш, қиёсий таҳлил, кузатиш, суҳбат, анкета, савол-жавоб, тест, математик-статистик таҳлил.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

5-7-синф ўқувчиларининг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш механизмлари технология фанини

ўқитиш жараёнида психологик таъсир кўрсатиш ҳамда амалий машғулотларни ташкил этишнинг методик таъминотидан унумли фойдаланиш орқали босқичларини аниқлаштириш асосида такомиллаштирилган;

5-7-синф ўқувчиларида миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантиришга йўналтирилган фаолиятли модели таълим жараёнидаги мақсадли, мазмунли, жараёнли ва натижавий компонентларининг “субъект-объект” дан “субъект-субъект” ҳамкорлик муносабатларига ўтиш функцияларини ҳамда инновацион технологиялардан файриодатий моҳиятдан воқеликка ўтиш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларни маънавий-касбий тарбиялаш компонентлари ижодкорлик компетенциялари мазмуни “Crafts”, “SMART” ва “Event” технологиялари воситасида импровизация ҳамда рефлексивлик принципларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

миллий ҳунармандчилик воситасида ижодкорлик компетенцияларининг ривожланганлик даражасини баҳолаш мезонлари импровизация ва рефлексивлик принципларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

ижодий фаолиятни лойиҳалаштиришда технология таълимида узвийлик, онглик, ўзаро боғлиқлик ва алоқадорликни таъминлаш принциплари орқали ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини тизимли тарзда ривожлантириш илмий-методик жиҳатдан асосланган;

тадқиқот натижаларидан когнитив-прагматик ёндашувга асосланган ўқувчиларнинг билими, кўникма, малака ва компетенцияларини такомиллаштиришда фойдаланилган;

технология таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш масалалари бўйича 60112300 – Технологик таълим йўналиши талабалари учун “Миллий ҳунармандчилик” танлов фани жорий этилган;

технология таълимида каштачилик, наққошлик, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, зардўзлик ва заргарлик ҳунармандчилигига оид тушунчаларни моделлаштириш ва алгоритмик машқлар устуворлигида ўқувчиларнинг ижодкорлик фаолиятини лойиҳалаштириш ҳамда технология дарсликларининг мазмунини бойитиш юзасидан илмий-методик таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндашув ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва педагогик тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти технология таълимида ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик фаолиятини лойиҳалаштириш

технологиясига оид илмий-педагогик қарашлар, назарий ёндашувларнинг ёритиб берилганлиги, технология таълимида ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик фаолиятини лойиҳалаштириш жараёни мазмуни, ўзига хос хусусиятлари, уни ташкил этиш йўллари, шакл ва методлари, ўқув-билиш жараёнини ташкил этишга оид илмий-методик тавсиялардан таълим жараёнида фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти технология таълимида ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик фаолиятини лойиҳалаштириш жараёнини ташкил этиш, мазмунини бойитиш, ўқув-тарбиявий жараённинг сифати ва самарадорлигини таъминлаш принциплари, воситалари ҳамда технология таълими дастури, дарсликлари мазмунини такомиллаштиришга хизмат қилади. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан малака ошириш минтақавий марказларида технология ўқитувчиларининг малакасини ошириш курсларида методик тавсия сифатида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** 5-7-синф ўқувчиларининг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш механизмлари бўйича илмий-тадқиқот натижалари асосида:

технология фанини ўқитиш жараёнида психологик таъсир кўрсатиш омилларини (когнитив, аффеktiv ва психомотор) асослаш ҳамда амалий машғулотларни ташкил этишнинг методик таъминоти унумли фойдаланиш орқали 5-7-синф ўқувчиларининг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш босқичлари аниқлаштиришга оид тавсиялар таълим жараёнига татбиқ этилган ҳамда Европа Иттифоқининг ERASMUS+ дастури лойиҳаси доирасида 2016-2019 йилларда бажарилган 574099-EPP-1-2016-1-IT-EPPKA2-CBHE-SP “Олий таълим соҳасида салоҳиятни ривожлантириш йўналишидаги PAWER – Ҳудудлараро мобилликни йўлга қўйиш ва бу борада долзарблик, сифат ҳамда тенгликни таъминлаш” мавзусидаги амалий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 01.03.2022 йил 01/11-01/11-265-сон маълумотномаси). Натижада, умумтаълим мактабларида технология фани ўқув машғулотларида 5-7-синф ўқувчиларининг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш механизmlарини такомиллаштиришга хизмат қилган;

умумтаълим мактабларининг 5-7-синф ўқувчиларида миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантиришга йўналтирилган фаолиятли моделини таълим жараёнидаги мақсадга, мазмунга, жараёнга ва натижавий компонентларининг “субъект-объект” дан “субъект-субъект” муносабатларга ўтишлигини аниқлаштирилган ҳамда инновациён технологиялар асосида ўқитиш механизми ишлаб чиқишга оид тавсияларидан ПЗ-2014-0912150534 рақамли “Умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таълими мазмуни модернизациялаш ҳамда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш технологиялари” (2015-2018 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш инспекциясининг 14.02.2022 йил 03-77-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур ёндашувлар 5-7-синф ўқувчиларининг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш механизмларининг сифат ва самарадорлигини таъминлаган;

миллий ҳунармандчилик намуналари воситасида ўқувчиларни маънавий-касбий тарбиялаш тизими компонентлари (аксиологик, кадриятли, тизимли-фаолиятли, ривожлантирувчи) ва ижодкорлик компетенциялари механизми (билиш, ўрганиш, ахборот, коммуникатив) мазмуни “Crafts”, “SMART” ва “Event” технологиялари воситасида импровизация ва рефлексивлик принципларига устуворлик бериш асосида ишлаб чиқишга оид тавсиялардан “Технология таълимида ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик фаолиятини лойиҳалаштириш технологиясини такомиллаштириш” ва “Мактаб технология таълимида миллий каштачиликни ўрганиш” номли услубий қўлланмаларни яратишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 17.01.2022 йил 01-01/5-68-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур таклиф ва тавсиялар «Технология» фани мазмунини модернизациялаш асосида такомиллаштирилган услубий қўлланмалар мазмунига сингдирилган;

5-7-синф ўқувчиларининг миллий ҳунармандчилик воситасида ижодкорлик компетенцияларининг ривожланганлик даражасини баҳолаш мезонлари (репродуктив, продуктив, ижодкорлик ва эврестик) аниқлаштиришга оид тавсиялардан 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4539-сон “Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 01.03.2022 йил 01/11-01/11-265-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур таклиф ва тавсиялар «Технология» фани мазмунини модернизациялаш асосида такомиллаштирилган ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар мазмунига сингдирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий мазмуни 4 та халқаро, 10 та республика миқёсида ўтказилган анжуманларда муҳокама қилинган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий-услубий ишлар, шу жумладан, 2 та

монография, 2 та услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, шундан 3 таси хорижий ва 10 таси республика журналларида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, саккиз бўлим, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 128 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқот ишининг мақсад, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларга мослиги ва тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, тадқиқот ишининг тузилиши ҳақида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантиришнинг психологик-педагогик шарт-шароитлари”** деб номланган биринчи бобида технология таълимида ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчилик, ижодкорлик тушунчалари тадқиқот муаммосини ўрганиш ва ўргатиш педагогик муаммо сифатида ўрганилган, умумий ўрта таълим мактабларида ўқув-тарбиявий тадбирларда миллий ҳунармандчиликни ўрганишнинг мазмуни таҳлил қилинган. Ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқишнинг дидактик имкониятлари ўрганилиб, амалиётда қўллашнинг инновацион усуллари асослаб берилган, технология таълимида ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш принциплари ва воситалари бўйича илмий тавсиялар берилган.


Миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларни ривожлантириш муаммоси билан мамлакатимиз, МДХ мамлакатлари ва хорижий мамлакатлар олимларининг илмий ишларида тадқиқ этилган. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг мустақил ижодий фаолият юрита олиши, креатив фикрлай олиши, конструкторлик ва моделлаштиришга оид билими, кўникма малака ва компетенцияларига эга бўлиши, ижодкорлик компетенциялари ривожланиши, ўз-ўзига нисбатан талабчанлик қилиш ҳамда тарбиялашга бўлган эҳтиёжининг шаклланиши билан тавсифланади.

Ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенциялари ривожланиши натижасида 5-7-синф ўқувчилари технология фанини ўзлаштириш жараёнида турли табиий материаллардан хилма-хил маҳсулотларни ўз қўллари билан ясайдилар ёки уларга яқин (мато, қоғоз, рангли металллар ва бошқалар) материалларга қўлда ишлов бериб, санъат асарини яратади.

Миллий ва халқ хунармандчилиги турли соҳалари гиламчилик, наққошлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, суяк ва металл ўймакорлиги, каштачилик, миллий пазандачилик асослари, миллий қандолатчилик, эгар-жабдуқлар тайёрлаш, сўзаналар тикиш, пичоқ тайёрлаш, темирчилик, кандакорлик, рехтагарлик (кўнғироқсозлик), чармдўзлик, этикдўзлик, дўппи ва чопонлар тикиш, миллий иморатсозлик, сандиқлар ва бешик ясаш, миллий деҳқончилик асослари ва бошқа шу каби турларга бўлинади.

Бу соҳалардаги умумтаълим мактабларида қўлланилишининг илмий-педагогик асослари, методик йўллари, воситалари, мазмуни, услублари бутунлигича мужассамлантирилган ҳолда шакллантирилмаган. Миллий хунармандчиликнинг турли соҳаларини амалиётга қўллаш, ёш авлодга ўргатиш жараёнида технология таълими, тарбияси ва бошқалар бир бутун тизим ҳолида ишланмасдан, халқ таълими тизимида қўлланилмасдан келинмоқда. Зеро, давлатимизнинг мустақил республика сифатида шаклланиши, турли ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳар бир халқнинг миллий қадриятини улуғлаш даври тадқиқ этилганлигини кўрсатади.

Технология таълимида 5-7-синф ўқувчиларининг миллий хунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш умумтаълим мактабларида таълим жараёнининг алоҳида нуқтаи назари бўлиб, у “тадқиқотчи-муаммо-муаммонинг оптимал ечими” тизимида амал қилади. Муаммони яхлит тизим сифатида тасаввур этиб, унинг таркибий қисмлари ажратилди. Ажратилган таркибий қисмлар – кичик бўлимларга кўра, ҳамкорлик алоқа, муносабатлар белгилаб олинади. Булар компонентларнинг иерархик – юқоридан кўйи, умумийдан хусусийга йўналган боғланишларни ажратишга замин тайёрлайди. Тизимли таҳлилга кўра, технология таълимини миллий хунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ташкил этишнинг ўзаро дахлдор қисмлари ажратилади: ижодкорликка йўналтирилган таълимни ташкил этиш; янги билимлар мазмунини ижодий ўзлаштириш; ўқувчиларда миллий хунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш. Технология таълимини ўқувчиларнинг миллий хунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш муаммоси тўғрисидаги тасаввурларимизни ойдинлаштириш мақсадида 1-расм келтирилган.



**1-расм. Технология таълимида миллий хунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш муаммосининг таркибий тузилмаси схемаси.**

1-расмда ташқи чизиклар ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш жараёнини ўрганиш кетма-кетлиги акс эттирилган. Ҳақиқатан ҳам, ижодкорликка йўналтирилган таълимни ижодкорликка йўналтирилмаган таълимдан фарқлаш орқали ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган таълимни ташкил этиш, ўқувчиларнинг ижодий ўзлаштиришини таҳлил қилиш ва уларда миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантиришга қараб борилади.

Кузатишимизча, психологик-педагогик олимларнинг олиб борган тадқиқот ишида ижодкорликка қуйидагича таъриф берилган: “Ижодкорлик – материя ривожининг зарурий шарти бўлиб, у янги шаклларнинг пайдо бўлиши билан ижодкорлик турларининг алмашинуви”. Бу таъриф ортиқча умумлаштирилган аниқлик. Уни тўғридан тўғри педагогика соҳасига кўчириб бўлмайди. Ҳар қандай ижоднинг, Гегель сўзлари билан айтганда, “ўз демиурги – яратувчиси” мавжуд. Табиат ижод қилмайди, аксинча, ривожлана туриб, тараққий этади. Ижод субъекти инсон фаолияти. Инсонгина ижод қила олади.

Дарсларни кузатиш ва қайд қилишда М.Х.Шомирзаев ишлаб чиққан дарс турларини асос қилиб олдик. Бунда қуйидаги дарс турлари қайд қилинган: янги ўқув материални ўргатиш ва мустаҳкамлаш дарслари; ўтилганларни такрорлаш ва малака ҳосил қилиш дарслари; билим ва малакаларни умумлаштириш дарслари; билим, кўникма ва малакаларни назорат қилиш дарслари.

### 1-жадвал

#### Ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик ишларини ташкил этишга оид кузатилган дарслар тақсимоти

Ўрганилган машғулотлар сони	Машғулот турлари			
	Машғулотларни ўзлаштириш ва мустаҳкамлаш	Машғулотларни такрорлаш ва малака ҳосил қилиш	Билим, кўникма малака ва компетенцияларни умумлаштириш	Билим, кўникма малака ва компетенцияларни назорат қилиш
180	53	123	8	12

Жадвалдан кўринадикки, технология фанига оид дарс турларининг ҳар бирида ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқишга йўналтирилган таълимни ташкил этишнинг спектриал-вариатив имкониятлари ниҳоятда кенг. Биринчи дарс тури – технология фанидан янги ўқув материални ўргатиш ва мустаҳкамлаш дарсининг негизи ўқувчиларни янги мавзунини ўрганишга тайёрлаш, янги таъриф, қоидаларни, мавзуга оид далилларни идрок қилишни таъминлаш, идрок қилиши таъминланган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантириш усулларини қўллашдан иборат. Таълим жараёнини бошқариш бевосита ва билвосита

таълим берувчиларнинг назоратида бўлиб, унда таълим берувчи “йўналтирувчи”, “маслаҳат берувчи”, “йўл кўрсатувчи” ва шу каби вазифаларни бажаради. Таълим олувчиларга машғулот вақтида мавзуга муаммоли вазиятларни келтириб чиқариш, ижодкорликка ундовчи саволларни ўртага ташлаш, қийин ўқув ҳолатлари ҳосил қилиш йўллари билан ўқувчилар диққати янги мавзуга ҳамда янги маълумотларга, ғояларга қаратилган ҳолда мавзунинг мазмун моҳиятини ўзлаштиришга эришилади.

Диссертациянинг **“5-7-синф ўқувчилари миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш технологиялари”** деб номланган иккинчи бобида мактаб ўқувчиларини миллий ҳунармандчилик касбларига фанлараро қизиқтиришнинг баъзи жиҳатларини турли усуллар ёрдамида асосланган, технология таълимида ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш механизмларининг фаолиятли модели ишлаб чиқилган, технология таълимида 5-7-синф ўқувчиларининг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш шакллари, методлари, принциплари ва воситалари очиб берилган ҳамда амалиётга татбиқ этилган.

Тадқиқот ишимизда юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, технология таълимида 5-7-синф ўқувчиларининг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш зарурати туғилмоқда.

Технологик таълимда 5-7-синф ўқувчиларининг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш механизмларини бир бутун тизим сифатида таҳлил қилиш мақсадида фаолиятли модель ишлаб чиқилди (2-расм). Мазкур модель учта блок (мақсадли блок, жараёнли блок ва натижавий блок)лардан ташкил топган.

Мақсадли блок мақсад ва вазифани ўз ичига олиб, 5-7-синф ўқувчиларининг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш жараёни моделнинг асосий мақсади сифатида келтирилган. Шунингдек, мақсад таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларга ажратилиб кўрсатилган. Моделнинг мақсади уч даражада киритилди: таълимий – инновацион ёндашувлар асосида «Технология» фанини синфда ва синфдан ташқари машғулотлар жараёнини ташкиллаштириш, 5-7-синф ўқувчиларида миллий ҳунармандчиликка оид тушунчалар билан таништириш; тарбиявий – 5-7-синф ўқувчиларида миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларни ривожлантириш (миллий ҳунармандчиликнинг турлари, буюмларни яшаш ва тикиш (қўлда ва механик ишлов бериш)) жараёнида креатив ёндашувлар асосида ўргатиш; ривожлантирувчи – ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид илмий манбаларни креатив ёндашувлар асосида ўрганиш, уларни элементар таҳлил ва синтез қила олиш компетенцияларини ривожлантириш.

Ушбу мақсадга эришиш учун тўртта вазифани белгилаб олдик. Улар қуйидагилар: 5-7-синф ўқувчиларининг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш жараёнига таъсир кўрсатадиган психологик, педагогик, методик омилларни таҳлил этиш.

**2-расм. 5-7-синф ўқувчиларида миллий хунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантиришга йўналтирилган фаолиятли модели.**

Ўқувчиларда миллий хунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш мазмунининг касбга, фаолиятга йўналтирилган фаолиятли моделини такомиллаштириш; миллий хунармандчилик намуналари воситасида ўқувчиларнинг маънавий-касбий тарбиялаш тизими компонентлари ва ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш механизмини такомиллаштириш; 5-7-синф ўқувчиларининг миллий хунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш механизмлари мезонларини аниқлаштиришга оид методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Компетенциянинг таянч, касбий ва махсус турлари таркибини аниқлаштириш асосида 5-7-синф ўқувчиларининг миллий хунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқиш.

Жараёнли блок педагогик жараённи амалга ошириш учун, мазмун, шакл, метод ва воситалардан ташкил топган.

Моделда педагогик жараён қуйидаги даражалар билан педагогикада миллий хунармандчилик элементлари аниқланди: мазмун (меъёрий ҳужжатлар (амалий фанлар ДТС, ўқув дастури: технология фанининг ҳужжатлари), илмий адабиётлар (илмий адабиётлар қўлланмалар ва манбалар), қўшимча материаллар (методик манбалар, стендлар, расмлар ва макет ва объектлар); шакл (индивидуал (технологик таълимда яқка тарзда машғулотлар ташкил этиш), гуруҳли (технологик таълимда 5-7-синф ўқувчиларини кичик гуруҳларга бўлиб ўқитиш), жамоавий (технологик таълимда 5-7-синф ўқувчиларини умумлаштирувчи шакллардан фойдаланиш); метод (анъанавий методлар (оғзаки, кўргазмали, амалий), ноанъанавий методлар (инновацион методлар (“Crafts”, “SMART” ва “Event” технологиялари)); восита (дидактик воситалар (реал, техник ва нашр)).

Мазкур педагогик жараённи баҳолаш репродуктив, продуктив ва ижодкорлик мезонларга кўра амалга оширилади. Бу мезонларга асосланиб, ўзлаштиришнинг юқори, яхши ва ўрта даражалари ишлаб чиқилиб, 5-7-синф ўқувчиларининг миллий хунармандчиликка оид ижодкорлик компетенциялари ривожланганлиги баҳоланади. Натижада, 5-7-синф ўқувчиларининг миллий хунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини инновацион ва креатив ёндашувлар асосида ривожлантиришга эришилди.

Педагогик жараённинг таркибий қисмларидан бири жараённи амалга ошириш учун машғулот керак бўлади. Мазкур моделда машғулотларни синфда ва синфдан ташқари машғулотларда амалга ошириш тадқиқ этилди.

Умумтаълим мактабларининг 5-7-синф ўқувчиларида миллий хунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш механизмининг элементлари сифатида қуйидагилар таклиф этилди: мақсад ва

вазифалар; 5-7-синф ўқувчиларининг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш босқичлари; ҳунармандчиликка оид таянч компетенцияларни ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари; натижавий-баҳолаш.

Педагогик жараёнда таълим бериш сифати ва самарадорлигини такомиллаштириш ҳамда ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантиришда ўқитишнинг инновацион усул, шакл, метод ва воситалари, ролли ўйин технологиялари, хусусан, мустақил таълимнинг ноанъанавий методлари муҳим ўрин тутди.

Умумтаълим мактабларида ўқитувчи танлови асосида мактабнинг ички имкониятларидан келиб чиқиб, режалаштирилган дастур асосида, метод, шакл ва воситалар асосида “Crafts”, “SMART” ва “Event” технологиялари орқали “ўқитиш” эмас, балки таълим олувчида шаклланиши зарур бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ўзлари томонидан тушунган ҳолда ҳунар эгаллашга қизиқишини пайдо қилиш.

“Crafts”, “SMART” ва “Event” технологиялари 5-7- синф ўқувчиларининг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенциясини аниқловчи психологик тестлар, сўровномалар ва ижодий машқлар каби технологиялар, воситалар ўрганилган педагогик материаллар бўйича билимларни мустаҳкамлаш, буюмлар яшаш жараёнида амалий компетенцияларни шакллантириш, мустақил равишда муаммони ҳал қилиш бўйича қарор қабул қилиш, креатив фикрлаш, техник фикрлаш ва тафаккур эта олиш қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилди.

Ижодкорлик компетенциялари – бу таълим-тарбиявий жараёнда таълим олувчиларнинг амалий ишларни бажаришда ясаладиган буюмининг технологик харитасининг бирор қисмига ёки берилган технологик харитани ўзгача дидактик принциплар асосида тузиш ва ўзгартирилган ёки креатив ёндашувлар асосида тузилган технологик харита асосида буюм ясай олиш кўникмалари тушунилади.

Технология таълимида ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенциялари – ўқувчиларнинг бизга аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган миллий ҳунармандчилик элементларига замонавий ёндашувлар асосида ўзгача креатив ёндашиб амалий ишларни ташкил этган ҳолда қобилиятларни ривожлантириш жараёни тушунилади.

Технология таълимида ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш механизмлари таркибан ўта мураккаб бўлиб, ўзига хос методик вазифалар, ўқув топшириқлари, ўқув материали, ўқитиш методларини қамраб олишни таълим берувчилардан талаб этади. Технология таълимида ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш

механизмларининг алгоритмик харитаси ва босқичларини тузиб чиқдик (3-расмга қаранг).

**1-босқич.** Ўқувчиларда репродуктив ижодий ишларни бажариш ҳамда таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш орқали ҳунармандчиликка оид таянч компетенцияларни ривожлантиришда репродуктив даражадаги топшириқлар берилди. Ўқувчиларнинг таълимий машғулотларни ташкил этишга тайёргарлиги, техник объект ва конструкторлик жараёнларни амалга оширишда кириш йўриқномаси каби масалаларни ҳал этиш бўйича бошланғич компетенциялари ривожлантирилди.

**3-расм. Ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларининг ривожланганлик харитаси ва босқичлари.**

**2-босқич.** Продуктив ижодий фаолият компетенцияларини ривожлантиришда ўқувчиларнинг синфдан ташқари ҳунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантирувчи муаммоли топшириқлар, ижодкорликка йўналтирилган масалалар асосида педагогик-технологик жараёнларни бошқаришда жорий йўриқномалар асосида интерфаол метод ва усуллардан фойдаланган ҳолда, муаммоларнинг оптимал ва самарали ечими топилди ва аввал ўзлаштирган материални иккиламчи ҳолатга кўчиришни бажаришди. Ўқувчиларнинг амалий машғулотлар жараёнида буюм ясаш ва

ясалган буюмларини ўзлари баҳолаш орқали танқидий фикрлашини ривожлантиришда кичик гуруҳларда ишлаш методлари қўлланди.

**3-босқич.** Ижодкорлик янги билимларни эгаллаш ва мустақил ўрганиш методик ишланмалардан фойдаланишда ўқувчилар креатив фикрлашга ва ижодий ечимлар топишга йўналтирилди. Машғулотда ўқувчилар янги ғоялар ва хулосаларга эга бўлди. Техник объект ва педагогик-технологик жараёнда иш самарадорлигини оширувчи наворотлик ишланмалари таклиф этилди.

Диссертациянинг **“Педагогик тажриба-синов ишлари ва унинг таҳлили”** деб номланган учинчи бобда ўқувчиларнинг технологик таълимда миллий хунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларининг ривожланганлик даражаларини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилган, тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва натижалари таҳлили тадқиқот муаммолари юзасидан тажриба ишлари натижалари очиб берилган.

Тажриба-синов ишларининг мақсади, умумтаълим мактабларининг 5-7-синф ўқувчиларига «Технология» фанидан назарий ва амалий машғулотларда ўқитишда уларнинг миллий хунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш ҳамда уларга хунармандчилик сир-синоатларини қунт билан ўзлаштиришга ундовчи омилларни шакллантириш имконини берувчи дарсларда ўқувчиларга мустақил ишлашга шарт-шароитлар яратиб бериш, амалий машғулотларни бажариш, технологик-дизайнерлик ишларини бажаришдир. Ишлаб чиқариш жараёнида технологик, лойиҳавий, конструкторлик, экспериментал тадқиқий фаолиятни ташкил этиш орқали янги билимларни мустақил эгаллашга қаратилган креатив ҳаракатлар тизимли ташкил этилди. 5-7-синф ўқувчиларида миллий хунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларининг ривожланганлиги даражаларини аниқлаш мақсадида амалий машғулотларни бажариш давомида “Устоз-шогирд” тизими бўйича буюм ясаш жараёнида учрайдиган ўқувчиларнинг қизиқиш, қобилият ва мойилликларини аниқлаш мақсадида психологик тестлар олинди. Унинг аҳамиятли жиҳати шундаки, берилган кейслар ва муаммоли топшириқларнинг барча жавоблари тўғри бўлиб, энг мақбул вариантни танлай олиши ўқувчида миллий хунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларнинг ривожланганлик даражаларини аниқлайди. Ўқувчиларнинг эришган натижаларини қайд этиш журнаliga бириктирилган ўқитувчилар томонидан қайт этилиб борилади ва уни қатъий тартибда назорат қилиб боради ҳамда йўл-йўриқлар кўрсатади. Натижада, фаннинг бўлими бошланиши ва охиридаги ҳолат қиёсий таққосланди ва ривожланганлик даражалари динамикаси аниқланди.

Тажриба-синов ишлари 2017-2022 йиллар мобайнида амалга оширилиб, унга 1085 нафар респондент жалб этилди. Тадқиқотнинг асосий тажриба-синов ишлари Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот тумандаги

22-; Кегайли тумандаги 1-, 26-; Қараўзак тумандаги 26-; Нукус шаҳридаги 4-, 25-; Жиззах вилоятининг Жиззах шаҳридаги 1-, 8-; Ш. Рашидов туманидаги 4- 9-; Пахтакор туманидаги 7- 13-; Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳридаги 2-, 34-; Учқўпирик туманидаги 15-; Фарғона шаҳридаги 19-ИДУМ; Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманидаги 2-; Бойсун туманидаги 6-, 39-; Термиз шаҳридаги 11-, 13-умумтаълим мактабларида уч босқичда олиб борилди:

1. Аниқлантирувчи тажриба босқичида (2017-2018 йиллар)да, умумтаълим мактабларида 5-7-синф ўқувчиларига «Технология» фанидан назарий ва амалий машғулотларда уларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантириш ҳолати таҳлил қилиниб, унда қуйидаги ишлар амалга оширилди:

Тадқиқот ишининг асосий йўналиши аниқлаб олинди; умумтаълим мактабларида «Технология» фанининг назарий ва амалий машғулотларини инновацион технологиялар асосида ўқитиш ҳолати ўрганилиб чиқилди ва таҳлил этилди; тажриба-синов ишларини ўтказиш учун кўзда тутилган умумтаълим мактабларида моддий-техник, ўқув-методик асос ва дидактик шарт-шароитлар мавжудлиги ўрганиб чиқилди; тажриба-синов ишларини ўтказиш учун зарур бўлган материаллар тайёрланди; режалаштирилган умумтаълим мактабларидаги ўқитувчилар тажриба-синов ишларини ўтказиш методикаси ишлаб чиқилди.

Тажриба-синов гуруҳларида машғулотлар тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган 5-7-синф ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган дастурий воситалар асосида, назорат гуруҳларида эса анъанавий шаклда олиб борилди.

